

## Мадрасаларда тест синовлари ўтказилди



17:51 / 17.08.2023 1610

Бугун, 17 август куни Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфидаги ўрта махсус ислом таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари ўтказилди.

Абитуриентлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва тест синовида иштирок этиш учун рухсатнома билан эрталаб соат 07:30 дан бошлаб имтиҳон ўтказиладиган ҳудудга киритилди ҳамда тест синовини ечиш учун 3 соат муддат берилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги ҳамкорлигида мадрасаларга кириш имтиҳони “Чет тили”, “Тарих” ва “Маънавият ва маърифат” фанларидан тест синовлари шаклида бўлиб ўтди.

Имтиҳон жараёнлари белгиланган тартиблар асосида адолатли ва шаффоф тарзда ўтказилди.